


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 17 январь, № 11 (5685) Пайшанба


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Олот туманидаги “Сувчи Денов” сув истеъмолчилари уюшмаси тасарруфидаги ҳудуддан оқиб ўтувчи Сарбозор ариғида дастлабки йигирмата ўлчагич қурилди.*

### Ирригация иншоотлари учун жиҳозлар

Бу шу ерлик фермерларга сувдан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш имконини беради.

Мазкур иншоотда Швейцария тараққиёт банкининг қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида сувни бошқариш ва уни ўлчашда асқотадиган юздан зиёд қурилмалар ўрнатиш кўзда тутилган. Шу мақсад йўлида 185 миллион сўм сарфланмоқда. Айтиш жоизки, ушбу лойиҳага кўра, “Аму-Қоракўл” ирригация тизими бошқармаси Олот тумани бўлимининг тўққизта сув тақсимлаш шохобчасига компьютерлар ҳамда миробларнинг иш шароитини яхшилаш мақсадида қатор зарур жиҳозлар ажратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳаллийлаштириш дастури асосида

*Наманган вилояти марказидаги “Наманган нур қурилмалари” корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида навбатдаги лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан электр тармоқлари учун занжир арматураларининг янги турини тайёрлаш ўзлаштирилди.*

Таъкидлаш керакки, бундай маҳсулот шу пайтга қадар хориждан келтирилар эди. Лойиҳа ўзлаштирилиши билан буюртмачиларга дастлабки 120,5 миллион сўмлик занжир арматуралари етказиб берилди.

Бу сингари изланиш ва интилишлар натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бораётир. Жумладан, 2012 йил давомида 8 миллиард 627 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, олдинги йилдагига нисбатан 168 фоизлик ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Темир йўлчилар ташаббуси

*“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Обод турмуш йилида навбатдаги истиқболли лойиҳани амалга оширди.*

Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослаштирилган замонавий “Темир йўл обод” мажмуаси барпо этилди. 14 гектар майдонни эгаллаган мажмуада айни пайтда 700 бош қорамол мавжуд бўлиб, ҳар куни 3 тоннага яқин сут ички бозорга чиқарилмоқда. Келгусида бу ерда сутни қайта ишлаш технологияси ишга туширилиши билан 12 турдаги махсулот тайёрлаш имконияти юзага келади.

Яна бир муҳим жиҳати, ушбу чорва мажмуаси иш бошлаши натижасида қишлоқ ёшлари учун 150 та иш ўрни яратилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кўркам ва замонавий гузар

*Ангор туманидаги “Таллимарон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий гузар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Тадбиркор Мурод Бобомуродов ташаббуси билан бунёд этилган мазкур мажмуадан озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, техника воситаларини созлаш каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

Қувонарлиси, ўтган йили вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, 700 дан зиёд ана шундай хизмат кўрсатиш нуқталари ишга туширилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кимё саноати:

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАК САЛОҲИЯТ



Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган кимё саноатида корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, уларга замонавий, тежамкор ускуналарни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи бозорга узлуксиз равишда сифатли маҳсулотлар етказиш имконини бераяпти.

“Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компаниясидан маълум қилинишича, бу каби истиқболли лойиҳалар натижасида Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи биринчи навбатининг ишлаб чиқариш қуввати 220 минг тоннага етказилган бўлса, “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамиятида йилига 12 минг тонна экспортга мўлжалланган техник кремний ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Технологик янгиланишлар, шунингдек, “Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамиятида ресурслар сарфини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Бундай юксак самарадорлик Тошкент вилоятидаги “Максам-Чирчиқ” очиқ акциядорлик жамияти фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланади.

(Давоми 2-бетда).

## Жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалланинг ўрни

*Ижтимоий бошқарув идораси ҳисобланган маҳалланинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда.*

*Дарҳақиқат, маҳалла тарихига назар солсак, бу борада энг таъсирчан маскан экани кўзга яққол ташланади. Айниқса, асрлар давомида унинг кишиларни тўғриликка бошлаш, ҳудуд билан боғлиқ муаммоларни кўпчилик ёрдамида ҳал этишдаги аҳамияти муҳим бўлиб келган. Истиқлол йилларида эса маҳалланинг нуфузи янада ошди. Шунга мос равишда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолияти кўлами ҳам кенгайиб бораётгани диққатга сазовор.*

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маълумки, жамоатчилик назорати жамият ҳаётида ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, масъулият ҳамда жавобгарлик бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, жамиятда қонун ҳужжатлари устуворлигини таъминлаш, аҳоли, хусусан, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бунинг учун соғлом рақобат муҳитини яратиш, энг муҳими, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини кучайтириш тизимини янада такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Қолаверса, унинг йиғин ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишдаги аҳамияти ҳам бекиёсдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш лозимлиги белгиланган бўлиб, бугунги кунда бу борада муайян ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, фуқаролар йиғинларининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик назорати амалга оширилаётир. Бундан ташқари, юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилиб, мазкур амалиёт тобора такомиллаштирилмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди маълумотига кўра, биргина ўтган йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туман (шаҳар) ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинларида 8632 марта ҳисоботлари эшитилиб, ҳудудлар билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳал этилди.

(Давоми 2-бетда).

### Дил сўзи

*Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини барчамиз катта мамнуният билан тингладик.*

## Ишончни, албатта, оқлаймиз

Унда ўтган давр мобайнида профессионал асосдаги миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари хусусида сўз юритилиб, ушбу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш, бунда ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон қисқа фурсат ичида замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир ўз армиясига эга бўлди. Қуролли Кучларни бошқаришнинг янгича шакли вужудга келди, қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби,

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг имкониятлари Хартфордда тақдим этилди

*Америка Қўшма Штатларининг Коннектикут штати маъмурий маркази — Хартфорд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Вашингтондаги дипломатия миссияси томонидан Америка — Ўзбекистон савдо палатаси ва АҚШ Тижорат департаменти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.*

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасидаги шарт-шароитлар, шунингдек, юртимиз заминидаги кўҳна ва навқирон шаҳарлар, мамлакатимизнинг диққатга сазовор масканлари тўғрисидаги атрофлича маълумотлар учрашув иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Тадбирда сўзга чиққан “Sikorsky” компаниясининг савдо-сотиқ бўйича директори Д. Далай** Ўзбекистон дунёнинг энг етакчи компаниялари учун жозибадор мамлакат ҳисобланишини қайд этди. Унинг фикрича, юртимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва хорижлик сармоядорлар учун таклиф этилаётган кенг имкониятлар, мамлакатимизда чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган йирик инфратузилмавий лойиҳалар бундан далолат беради. Шу маънода, у Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада кенгайтиришдан умидвор эканлигини маълум қилди.

**Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти, “Nukem, Inc.” компанияси вице-президенти Т. МакГроу** ўзи фаолият олиб бораётган компаниянинг мамлакатимиз ишбилармонлари билан кўп йиллик ҳамкорлиги тўғрисида сўзлар экан,

(Давоми 2-бетда).

### Аёл. Оила. Жамият

*Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий, тиббий ва маънавий маданиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни изчил олиб боришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

## Хотин-қизлар манфаатлари — доимий эътиборда

Бунда, энг аввало, хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишлари учун шароит яратиб беришга эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятининг тобора юксалишида ўз ифодасини топмоқда. Бинобарин, жамиятни янгилаш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарғибот ишларини олиб боришда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг алоҳида ўрни бор.

Ҳозир вилоятимизда 622 нафар маҳалла маслаҳатчиси фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, уларнинг диний ва дунёвий билимларини ошириб бориш мақсадида ўқув семинарлари, ҳар ойда икки марта маслаҳатчи ўқуви ташкил этилмоқда. Маслаҳатчиларимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ҳар йили “Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси” кўрик-танловида фаол қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётгани эса эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

# Хотин-қизлар манфаатлари — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб ва таъсирчан тизими бўлган маҳаллани бугунги кунда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилаётганини таъкидлаш жоиз. Айни чоғда барча маҳаллаларимизда тадбиркорлик, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулоллик, темирчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик каби ҳунармандчилик турлари, чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмокда. Нафақат ҳунармандлар, балки оилавий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган ҳар бир тадбиркор давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётир. Айниқса, оилавий бизнеснинг қишлоқ хўжалиги йўналиши кенг ривожланаётганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Шунингдек, кўплаб оилаларда паррандачилик, асаларичилик, иссиқхона хўжалиги, балиқчилик фаолияти қамрови кенгайиб бормокда. Оилавий бизнеснинг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам тобора ривожланаётир. Ҳозир вилоятда 5948 нафар тадбиркор аёл фаолият юритаётгани, шу жумладан, 214 та фермер хўжалигига аёллар раҳбарлик қилаётгани, 1617 нафар аёл эса ҳунармандчилик билан шуғулланаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Вилоятимизда хотин-қизларни касбга ўргатиш, ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмокда. Хусусан, ўтган давр ичида вилоят бўйича ташкил этилган 200 га яқин ўқув марказларида минглаб хотин-қизлар ҳунар эгалладилар ва қайта касбга тайёрланишди. Тикувчилик, макраме тўқиш, сут ва мевани қайта ишлаш, турли салат ва пишириқлар тайёрлаш бўйича ташкил этилаётган ўқув курсларини битириб чиқаётган ёш тадбиркор хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормокда. Қарши шаҳри, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод туманларида очилган шундай ўқув курсларида икки мингга яқин хотин-қиз касб-ҳунар ўрганиб, ўз фаолиятларини йўлга қўйдилар.

Вилоятда ташкил этилган Махсус жамоатчилик кенгашининг аъзолари ёрдамида оилаларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмокда. Натижада нотинч оилалар сони 2008 — 2011 йилларда 113 тага камайди. Маҳаллалардаги оилаларга бириктирилган фаол хотин-қизлар томонидан кўрилган маънавий-ахлоқий тарбиявий таъсир чоралари натижасида 1167 та оиланинг нотинчлигига барҳам берилди. Оилалар мустаҳкамлиги бўйича ҳар бир туманда тузилган фаол аёллардан иборат гуруҳлар ёрдамида ажралишлар камаймокда. 2012 йилда фуқаролик судларига тушган аризалар жамоатчилик вакиллари ёрдамида тезкор ўрганилиб, 395 оила ажралиб кетишдан сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, ҳамкорлар билан биргаликда маҳаллаларда ёрдамга муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, боқувчисини йўқотган болаларнинг суннат тўйларини ўтказиш, байрамларда уларга совға-саломлар ажратиш каби хайр-саховат тадбирлари энг яхши анъаналаримиздан ҳисобланади. Ўтган даврда 250 оилага 73,6 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилган бўлса, 60 нафар болага мактаб ўқув қуроллари ва кийим-кечаклари олиб берилди.

Вилоятимизда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳам жиддий ёндашилди. Шу мақсадда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан 14 та маҳалла таянч маҳалла сифатида танлаб олинди. Ушбу маҳаллаларда ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тавсия этилган кам таъминланган эҳтиёжманд оилалар билан ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилди.

Албатта, бундай чора-тадбирлар, аввало, оилаларнинг обод ва фаровон бўлишига катта ҳисса қўшаётган аёлларнинг меҳнатини қадрлаш, уларнинг бугунги ҳаёти, ўй-кечинмалари билан яқиндан танишиш ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадларига хизмат қилади.

**Инобат КАРИМОВА,**
**Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# Ўзбекистоннинг имкониятлари Хартфордда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш юзасидан юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар хорижлик сармоядорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратаётганини таъкидлади.

**"Ardmore Capital Corporation" компанияси раҳбари Б. МакКормака**нинг сўзларига қараганда, республикамиз жадал иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш қилмоқда. "Шу сабабли ҳам кўплаб чет эллик ишбилармонлар Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишга интилаётир", деди Б. МакКормака.

**"World Business Capital" компаниясининг етакчи вице-президенти Д. Рэйкрафт** ҳам мамлакатимиз билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш истагини билдирди. Унинг фикрича, "World Business Capital" компанияси учун қулай сармоявий муҳитга эга Ўзбекистон муҳим ва истиқболли ҳамкор бўла олади.

Тақдимот маросими доирасида икки томонлама ҳамкорликнинг кенг қамровли масалалари, хусусан, америкалик ҳамкорлар билан биргаликда юртимизда инновация технологияларини жорий қилиш ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналарни барпо этиш йўллари ва имкониятлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА.**
Хартфорд, АҚШ

# Фаолият кўлами кенгайди

*Жиззах тумани "Қулама" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Багира текс" масъулияти чекланган жамияти бир йил муқаддам 3 киши билан фаолият бошлаган эди. Корхонада амалга оширилган модернизация ишлари натижасида қисқа муддатда ишчилар сони 10 баробарга кўпайди.*

## Интилиш

— Бозор муносабатларига мослашиш, янги турдаги ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадбиркорликда муҳим омил саналади, — дейди жамият раҳбари Ботир Каримов. — Шундан келиб чиқиб, хориждан 196,2 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатдик ва эркакларнинг мавсумий устки кийимларини ишлаб чиқара бошладик. Айни пайтгача харидорларга 4 мингга яқин пальто ва курткалар етказиб бердик. Яқин кунларда костюм-шимлар тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз.

Эътиборлиси, ўтган йили вилоятда тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши натижасида 15 минг 742 та иш ўрни яратилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Кимё саноати:

# Янгиланиш ва юксак салоҳият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, мазкур корхонанинг бир нечта цехида кенг кўламли модернизациялаш ишлари бажарилди. Хусусан, карбамид ишлаб чиқариш цехида интеллектуал электрон назорат-ўлчов қурилмалари ўрнатилди. Сув инжекторлари, буғлатгичлар, сепараторлар, тозалаш иншооти ускуналари замонавий талабларга мослаштирилди. Шунингдек, корхонани доимий электр энергияси билан таъминлаш мақсадида юқори кучланишли трансформаторлар махсус тежамкор ускуналар билан жиҳозланди.

— Корхонамизда бундай катта ҳажмдаги истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 29 июлдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда, — дейди жамиятнинг бош муҳандиси Ибройим Умаров. — Масалан, ўтган йили корхонамизда 327,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, бу борада 111,4 фоиз ўсишга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз ҳажми салкам 16 миллиард сўмликка етказилди.

Маҳсулотнинг тури ортиб, сифати яхшиланиши уларга ташқи бозорда ҳам талабни ошириши, табиий. Айни пайтда "Максам-Чирчиқ" маҳсулотлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатига экспорт қилинаётгани, бир йил давомида чет эллик буюртмачиларга белгиланганидан анча кўп — 76 миллион 681 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берилгани ана шундан далолат беради.

Умуман, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури қирқдан ошди. Карбамид, аммиак селитраси, турли кислоталар, кимёвий реагентлар шулар жумласидандир. Улар қаторига Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган сульфат магний, сульфат калий, фосфомочевина сингари янги турдаги кимёвий ашёлар ҳам қўшилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, корхонада Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил учун Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Хом ашё тайёрлаш ускуналарини реконструкция ва модернизация қилиш орқали минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш" лойиҳаси ҳам ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу лойиҳага кўра, аммиак ишлаб чиқариш агрегатлари, экономайзерлар, қозонлар утилизаторлари, суюқ олтингугуртни фильтрлаш ва буғ ҳароратини кўтариш мосламалари янгиланади. Пировардида аммиак ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергияси ва табиий газ тежалиб, олтингугурт кислотаси тайёрлаш ҳажми йилига 25 минг тоннага кўпаяди.

"Максам-Чирчиқ" корхонаси фаолиятидаги яна бир диққатга сазовор жиҳат, бу — жамоада ёш, малакали мутахассислар шакллантирилаётганлигидир. Жамиятда тизимга мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаларидан ташқари, Чирчиқ шаҳридаги саноат йўналишига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи билан "Коллеж — корхона" тамойили асосида ҳамкорлик ўрнатилгани, биргина ўтган йилнинг ўзида корхонага 157 нафар битирувчи ишга қабул қилингани бунга мисол бўла олади.

— Қарийб олти ярим минг кишилик жамоамизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди 2-аммиак цехининг смена бошлиғи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Умарали Собитов. — Бу эса кўп йиллик тажрибага эга катта авлод вакилларига улкан масъулият юкламоқда. Қувонарлиси, корхонамизда "Устоз — шогирд" анъанаси яхши йўлга қўйилган. Шу асосда сафимизга қўшилган ҳар бир ёш энг тажрибали мутахассисларга бириктирилади. Натижада йигит-қизларимизнинг жамоага мослашиши ва иш ўрганиши осон кечади.

— Бу жамоа менга шаҳримиздаги саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқиётганимдаёқ қадрдон бўлиб қолган эди, — дейди аммиак цехи оператори Зиёвуддин Собиржонов. — Чунки ўқиш мобайнида бир гуруҳ тенгдошларим билан ишлаб чиқариш амалиётини айнан шу ерда ўтадим. Бундай катта жамоанинг тўлақонли аъзоси бўлишни жуда-жуда истаган эдим. Мана, ниҳоят орзуимга эришдим. Ҳозир цехимиздаги тажрибали мутахассислардан кўп нарсаларни ўрганаяпман.



Ҳадемай, Зиёвуддиннинг сафдошлари яна кўпаяди. Боиси, шу кунларда корхонада жорий йилда коллеж битирувчиларининг яна 150 нафари учун иш жойлари ташкил этилмокда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ишончни, албатта, оқлаймиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш жараёни мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилгани, чақирувнинг йилда бир марта ташкил қилинаётгани ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини юксалтиришга замин яратди. Эндиликда улғайиб, камолга етган ёшларимиз ўз хоҳиш-иродаси билан армияга боришга интилаётгани, Ватан ҳимоячиси, деган шарафли номни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилаётгани ана шу ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир.

Табрикда бугунги кунда армия сафларига кириб келаётган йигитлар замонавий ахборот, компьютер технологияларини мукаммал даражада биладиган, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу, албатта, ҳар биримизни қувонтиради, ғурурлантиради.

Замон шиддат билан ўзгариб бораяпти. Ҳар бир соҳада бўлгани каби ҳарбий тизимда ҳам ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис Юртбошимиз Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини ошириш юзасидан энг устувор вазифаларни белгилаб берадилар. Жумладан, табрикда қайд этилганидек, бугун дунёнинг турли нуқталарида қарама-қаршиликлар давом этмоқда, халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарлар авж олиб бормоқда. Ўз навбатида, ана шуларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш лозимлиги барчамизга уқтирилди.

Албатта, келгуси фаолиятимизда бу жиҳатлар доимий эътиборимизда бўлади. Биз, ҳарбийларга халқимиз, Президентимиз юксак ишонч билдирган экан, осмонимиз мусаффолигини асраб-авайлаш, шу гўзал диёримиздаги осуда ҳаётни таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимизни ишга солиб, ана шу ишончни оқлашга ваъда берамиз.

**Музаффар ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Мардлик» ордени соҳиби, капитан.**

## Қисқа сатрларда

● **Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ошпазлари уюшмаси ташаббуси билан нашрдан чиққан, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш сирларига бағишланган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда миллий таомларимиз дунёда тобора машҳур бўлиб бораётгани, шу боис пазандаликка оид нашрлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди.**

● Жиззах политехника институтида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар иштирок этди. Эътиборлиси, учрашувда мазкур олий ўқув юртига киришни мақсад қилган йигит-қизлар назорат-тест саволлари орқали ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

● **Тўрткўл тумани марказида "Ҳуснора-Севара" умумий овқатланиш корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Банкнинг 98 миллион сўмлик кредити асосида амалга оширилган мазкур лойиҳа натижасида ўнга яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди.**

● Норин туманининг қўшни Андижон вилояти билан чегарадош ҳудудида туманнинг рамзий дарвозаси барпо этилди. Бунёдкорлик ишларига тадбиркор Абдулҳамид Эргашев ҳомийлик қилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалланинг ўрни

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ободонлаштириш масалалари юзасидан эса ҳудудлардаги корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг 4593 та ҳисоботи эшитилди. Айни чоғда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг йил давомида ўтказилган сессияларида фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ 582 та масала муҳокама этилган.

— Ҳозир юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилиб, улар томонидан турли йўналишда жамоатчилик назорати самарали олиб борилмокда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Гулистон шаҳар бўлинмаси раиси Р. Бектемиров. — Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари, фуқаролар йиғинларининг қарорлари ижросини назорат қилиш, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш, ҳудудни ободонлаштириш, тўй-ҳашам ва бошқа турли маросимларни ўтказиш бўйича йўлга қўйилган жамоатчилик назорати шулар жумласидандир. Шаҳримиз мисолида гапирсак, ўтган йилда бу ердаги 17 та маҳалланинг барчасида ҳисобот йиғилишлари ўтказилиб, кўплаб масалаларга жойида ечим топилди. Масалан, "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда шаҳар газлаштириш, электр тармоқлари ва бошқа коммунал идоралар раҳбарлари қатнашди. Муҳими, коммунал хизмат билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал бўлди, айримлари бўйича тайёрланган таклифлар тегишли ташкилотларга юборилди.

— Туманимиздаги фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган ҳисобот йиғилишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликни таъминлаш, болалар спорт майдончаларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва бошқа кўплаб масалалар ҳал этилаётганлигини мамнуният билан айтиш мумкин, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бектемир тумани бўлинмаси раиси С. Раҳимов. — Жумладан, "Бинокор" маҳалла фуқаролар йиғинида янги автобус қатнови йўлга қўйилди ва ҳудуддаги корхоналарга маҳалладошларимиздан бир нечтаси ишга жойлаштирилди. Мажнунтол, Истиқлол, Чашма ва Зилола маҳаллалари ҳудудларидаги ички йўлларга асфальт қопламалари ётқизиш, "Миришкор" ва "Роҳат" маҳалла фуқаролар йиғинларида янги шифо масканларини барпо этиш, Нурафшон маҳалласида эса болалар спорт майдончаларини қуриш туманнинг жорий йилдаги режасига киритилди.

Жамоатчилик назоратининг муҳим йўналишларидан яна бири — қишлоқ врачлик пунктлари, тиббиёт муассасалари ҳамда оилавий поликлиникалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишдир. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувидан олинган маълумотга биноан, ўтган йилда мамлакатимиздаги фуқаролар йиғинлари томонидан ҳудуддаги оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг 31981 ҳисоботи тингланди ва пировардида бу жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

— Жамоатчилик назорати ёшлар тарбиясида ва уларнинг бандлигини таъминлашда ҳам қўл келаётир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бўлим мудири У. Маҳмудов. — Бу, айниқса, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш ва коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларида очиқ намоён бўлмоқда. Мазкур йўналишда юртимиз маҳаллаларида йиғин раислари бошчилигида "Камолот" ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари вакиллари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар масъул ходимларидан иборат 8 мингдан ортиқ жамоатчилик гуруҳлари тузилгани эътиборлидир. Ҳозир бу гуруҳлар ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳудудлар осойишталигини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашаётир. Шунингдек, жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялашда оила ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги Жамоат кенгашлари фаолияти тобора такомиллашиб бораётганини кўрсатади. Ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш мақсадида йиғинларда йўлга қўйилган "Ота-оналар университетлари" ҳам бу борада самарали иш олиб бораётганини айтиш зарур. Бундан ташқари, 2012 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳудуддаги таълим муассасалари раҳбарларининг 25393 та ҳисоботи эшитилган.

Табиийки, бугунги тезкор замонда ана шу ютуқлар билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Шу боис ҳам фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўрилаётир. Аввало, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда, соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, маҳалла институти ўзини тобора кенг намоён этмоқда. Унинг жамоатчилик назоратига оид фаолиятини бугунги талаб даражасида такомиллаштириш эса Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида белгиланган вазифаларни бажариш — маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

O‘ZSANOATQURILISHBANK

*Истиқлолнинг дастлабки йилларданоқ юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада бугунги кунга келиб мазкур соҳа вакиллари иқтисодиётимизнинг чин маънодаги таянч устунига, аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг самарали воситасига айланди.*

*Бу борада, айтиш жоизки, зарур ҳуқуқий асосларнинг яратилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, янги таҳрирда амал қилаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида имзоланган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар республикамизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилишга қаратилган ҳужжатлардир. Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этиб ўтганидек, парламентимиз қабул қилган оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни ташкил этди. 2012 йилда кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Шундан ҳам англаш мумкинки, бу борадаги эътибор ва имкониятлар кўлами жуда кенг.*

*Албатта, мазкур соҳанинг равнақ топишида молия муассасаларининг ҳам ҳиссаси катта. Айниқса, мамлакатимизнинг етакчи банкларидан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасининг бугунги самарали фаолиятидан миллионлаб мижозлар мамнун. Буни ушбу молия муассасаси кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб олган, ҳам оиласи, ҳам юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётган тадбиркорларнинг дил сўзларидан билиш мумкин.*

# Имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада равнақ топишида муҳим омил бўлмоқда

*Мустақиллигимиз шарофати билан бугун барчамиз фаровон, бахтли ҳаёт кечираяпмиз. Ҳатто, жаҳоннинг кўплаб давлатларида молиявий инқироз ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган бир шароитда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганимиз эътиборга лойиқ.*

### Кредитлар — фаровонликка хизмат қилади

Масалан, Ўзбекистонда 2008 — 2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани мамлакатимиз барқарор ривожланиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Буларнинг барчаси, албатта, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар шарофатидир.

Гарчи биз республикамизнинг чекка ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлсак-да, эзгуликка йўғрилган ушбу сиёсат самараларини ўз жамоамиз фаолияти мисолида доимо ҳис қилиб турамиз. Ўтган давр мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби жуда кўплаб қулайликлар ҳаётга татбиқ этилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз берилаётган катта имкониятлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришмоқда. Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк" Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг салмоқли ҳиссаси бор.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида ўтган йили банкнинг минтақавий филиалидан 200 миллион сўмлик фоизи кам, аммо фойдаси кўп бўлган имтиёзли кредит олдик. Бунинг самараси эса қуйидаги рақамлардан яққол англашилади: бир йилда қарийб 372 минг дона нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2-3 баробарга ошди, қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Табиийки, ушбу ютуқлар билан чегараланиб қолиш ниятимиз йўқ. Фаолиятимизни янада ривожлантириб, даромадимизни ошириш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратиш, Обод турмуш йилида юртимиз равнақига муносиб улуш қўшиш ниятидамиз. "Ўзсаноатқурилишбанк"дек ишончли ҳамкоримиз борлиги бизнинг ана шу мақсадларимизга эришишимизда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Роза УРАЗБАЕВА,**
**«Роза Торг Нукус» МЧЖ раҳбари.**
Қорақалпоғистон Республикаси

### Ҳам ҳамкор, ҳам мададкор

*Кўп йиллардан буён "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Самарқанд минтақавий филиали мижозиман. Корхонамизнинг иқтисодий юксалишида мазкур молия муассасаси яқиндан мадад бериб келмоқда.*

Жумладан, 2012 йилда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 2 йил муддатга имтиёзли кредит ажратилди. Ана шу маблағ эвазига 15 минг дона 1 кунлик жўжа ва омихта ем харид қилинди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун айланма маблағга ҳам эга бўлдик.

Бугунги кунда корхонамиз йилига 30 минг дона товуқ етиштириб бериш қувватига эга. Айни пайтда 10 та иш ўрни ташкил қилинди. Жамиятимиз фаолиятида эришилаётган муваффақиятлар нафақат меҳнатимиз, балки давлатимиз томонидан яратилаётган имконият, имтиёз ҳамда банкнинг молиявий кўмаги самарасидир.

Келажакдаги режаларимиз бундан-да улкан. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳисобига илғор чет эл технологиясини жалб этиб, йилига ўртача 400 минг донагача жўжа ва 100 минг донагача тухум ҳамда гўшт берувчи паррандалар етказиш орқали мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳисса қўшмоқчимиз.

**Шаҳбоз НАИМОВ,**
**«Tepalik zamin bunyod» МЧЖ раҳбари.**
Самарқанд вилояти



### Лойиҳаларимиз қўллаб-қувватланмоқда

*Яқин-яқингача фармацевтика саноати ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга, аввало, хорижнинг дунёга машҳур компания ва фирмалари ёрлиғи туширилган дори-дармонлар келарди.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар шарофати билан инсон соғлиғи учун керакли бўлган ана шундай сифатли дори-дармон воситаларини эндиликда ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани кишини қувонтиради. Пировардида ички бозорда истеъмолчиларга таклиф этилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортбоп фармацевтика маҳсулотларининг тури тобора кўпайиб бораётир.

Бунда Зангиота туманида жойлашган бизнинг "Само" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Корхонамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалининг имтиёзли кредитидан фойдаланилди. Ажратилган ушбу сармоя бугунги кунга келиб ўзини тўлиқ оқлади. Корхонамизда модернизация ишлари амалга оширилди. Эътиборлиси, ўндан ортиқ иш ўринлари яратилди. Ҳатто ISO:1905 сертификатини олишга муваффақ бўлдик.

Ҳозир корхонамизда 25 турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йилда 2011 йилдагига нисбатан ишлаб чиқариш суръати 12 фоизга ўсди.

Бугунги кунда жамиятимизда "Дибазол", "Кальций глюканат", "Антигриппин", "Гальминан", "Парацетамол", "Стрептоцид", "Ацетилов кислотаси", "Аскорбин кислотаси", "Но-шпа", "Папазол", "Диозалин", "Цитрамон", "Фурацилин" ва бошқа турдаги дори воситалари тайёрланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

2013 йилда жамиятимизнинг асосий мақсадларидан бири корхона соф фойдасини ошириш, бозордаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари очишдан иборат. Зеро, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, "Ўзсаноатқурилишбанк" сингари молия муассасаларининг молиявий кўмаги биз, тадбиркорларни ана шундай марралар сари руҳлантирмоқда.

**Бахтиёр ЮНУСОВ,**
**«Само» МЧЖ раҳбари.**
Тошкент вилояти

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

2068R/1314



ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/97

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# Ҳамюртимиз совриндорлар сафида



***Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида “Delhi International Open Chess Festival — 2013” халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.***

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган 105 нафар шахматчи иштирок этган мазкур турнирда ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Марат Жумаев кумуш медални қўлга киритди. Спортчимиз мусобақа давомида олти партияни ўз фойдасига ҳал қилди, учта баҳсда эса дуранг натижа қайд этди. Шу тариқа у 7,5 очко жамғарди.

# Тайёргарлик қизғин кечмоқда



***Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган “Локомотив”, “Бунёдкор” ва “Пахтакор” футбол клублари Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда.***

Мазкур тайёргарлик жараёнида жамоаларимиз бир қатор ўртоқлик ўйинларида майдонга тушди. Жумладан, қитъа миқёсидаги мусобақада биринчи бор қатнашадиган “Локомотив” Қатарнинг “Ал-Райян” клуби билан куч синашиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Бунгача “темир йўлчилар” Германиянинг “Гамбург” жамоасига имкониятни бой бериб қўйгандилар — 1:3.

Мамлакат кубогининг амалдаги соҳиби “Бунёдкор” Саудия Арабистонининг “Ал-Таавун” клубига қарши баҳс олиб борди. Бу ўйинда ҳам 2:1 ҳисобида Ўзбекистон жамоаси муваффақиятга эришди. “Қалдирғочлар” мазкур тайёргарлик босқичидаги охирги учрашувни Украинанинг “Металлист” клубига қарши ўтказиб, 1:3 ҳисобида мағлуб бўлди. Шу билан “Бунёдкор”нинг дастлабки хориж йиғини тугади.

Жорий мавсумда Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиққан “Пахтакор” эса Қатарнинг “Ал-Жаиш” клуби билан куч синашди. Ўта муросасиз курашларга бой кечган баҳс 2:2 ҳисобидаги дуранг билан тугади. Иккинчи назорат ўйинида эса “шерлар” маҳаллий “Дибба Фужайра” клубига қарши майдонга чиқди. Голларга бой бўлган беллашувда мезбон жамоа ғалабага эришди — 3:2.

***Мельбурн шаҳрида теннис бўйича “Катта Дубулға” туркумига кирувчи йилнинг илк нуфузли мусобақаси — Австралия очиқ чемпионати давом этаяпти.***

# Теннисчиларимиз навбатдаги босқичда

Мусобақанинг саралаш баҳсларида муваффақиятга эришган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова асосий беллашувларда ҳам ишончли ўйин кўрсатмоқда. Францияли Матильда Йоханссонга қарши кортга чиққан теннисчимиз рақибини ортиқча қийинчиликсиз мағлубиятга учратди. Оқгул навбатдаги баҳсни италиялик Роберта Винчига қарши ўтказади.

Эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувларида қатнашаётган Денис Истомин эса голландиялик Игорь Сийслингдан устун келди — 4:6, 6:3, 6:4, 6:2. У кейинги учрашувда италиялик Андреас Сеппи билан куч синашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Саломатлик

*Денов тумани аҳолиси яқин-яқингача саломатлигини компьютер томографияси орқали текширтириш учун вилоят марказига бориб келишга мажбур бўларди.*

# Қулайликдан аҳоли мамнун

Туманда “Жамшид Хуршид Ферузбек” хусусий корхонаси фаолият бошлаши билан бу муаммо ўз ечимини топди. Яъни молия муассасаси томонидан ажратилган 260 миллион сўмлик кредит эвазига бу ерга энг илғор тиббиёт ускуналари келтирилди. Айни пайтда улар ёрдамида туман аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Умуман, ўтган йили туманда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида 5 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Кўргазма

*Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида “Турфа олам” деб номланган ижодий кўргазма иш бошлади.*

# «Турфа олам» ажойиботлари

Ундан Ўзбекистон халқ рассомлари ва академиклари билан бир қаторда, ёш мўйқалам соҳибларининг асарлари ҳам жой олган.

Тадбирда Италия, Греция, АҚШ, Жанубий Корея, Франция, Хитой, Украина сингари ўнлаб мамлакатларнинг диққатга сазовор масканлари, ўзига хос табиати ва манзаралари тасвирланган асарлар санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда.

Кўргазма 21 январгача давом этади.

**Ирода НАБИЕВА.**

# Болаларга туҳфа

**Бунёдкорлик**

***Учқудуқ шаҳрида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

— Бунёдкорлик ишларига 600 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси директор ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони Фарҳод Сойибов. — Бу ерда ёшларнинг бадиий гимнастика ва дзюдо спорт турлари билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилган. Бинобарин, замон талабларига мос кийиниш ва ювиниш хоналари ҳам спортсевар болалар ихтиёрида.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

ёзги камуфляж дала кепилари, ип газлама камуфляж панамалар, ип газлама ёзги ички кийимлар, ип газлама ёзги пайтавалар, ип газлама қишки пайтавалар, ип газлама пайпоқлар, ҳарбий хизматчилар учун ёқа устидан тақиладиган ёқачалар (подворотнички), ип газлама чойшаблар, ип газлама ёстиқ жилдлари, ип газлама катак-катак (вафельное) сочиқлар, қора рангли ип газлама эркаклар трусиклари.

**Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Талабгорлардан танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш куни давомида қабул қилинади.*

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

77R/46

# ОБ-ҲАВО (17 январь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -8 -13 / -5 -10 | -3 -8 / 0 -5 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -5 -10 | -2 +3 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -2 -7 | +3 +8 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -2 -7 | +2 +7 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 -7 | +2 +7 |
| Тошкент шаҳрида | -5 -7 | +2 +4 |

● Реклама ва эълонлар ●

# ЯНГИ ЙИЛДА — ЯНГИ ВА ШИНАМ УЙ



*Ҳурматли юртдошлар ва ёш оилалар!*

*2013 йилда шинам, маҳаллий шароитларга мослаштирилган, замонавий ва энг муҳими, ҳақи узоқ муддатли кредит асосида бўлиб-бўлиб тўланадиган уй-жойларга эга бўлишни истайсизми?*

*Марҳамат!*

*«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ва унинг ҳудудий филиаллари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда Обод турмуш йилида «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКлар томонидан қурилаётган уй-жойларни узоқ муддатли кредит асосида олишга сизга яқиндан кўмаклашади.*

**Мурожаат учун «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ҳудудий филиалларининг манзиллари ва телефон рақамлари:**

| Т/р | Филиал номи | Манзили | Телефон рақами |
| --- | --- | --- | --- |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси филиали | Нукус ш., О. Шомуротов к., 117-«Б» уй | (8-361) 222-84-44 |
| 2. | Андижон вилояти филиали | Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй | (8-374) 224-36-88 |
| 3. | Бухоро вилояти филиали | Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй | (8-365) 223-71-30 |
| 4. | Жиззах вилояти филиали | Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 39-уй | (8-372) 222-34-16 |
| 5. | Қашқадарё вилояти филиали | Қарши ш., М. Абдуллаев к., 20-уй | (8-375) 225-44-58 |
| 6. | Самарқанд вилояти филиали | Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй | (8-366) 233-80-56 |
| 7. | Сирдарё вилояти филиали | Гулистон ш., 3-мавзе, «Бизнес марказ» биноси | (8-367) 226-38-91 |
| 8. | Сурхондарё вилояти филиали | Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй | (8-376) 227-57-94 |
| 9. | Навоий вилояти филиали | Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй | (8-436) 224-15-61 |
| 10. | Наманган вилояти филиали | Наманган ш., Нодира к., 3-уй | (8-369) 226-27-01 |
| 11. | Фарғона вилояти филиали | Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй | (8-373) 224-68-69 |
| 12. | Хоразм вилояти филиали | Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй | (8-362) 226-32-63 |

67R/1441

**HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.**

- Экскаваторы колесные и гусеничные
- Фронтальные погрузчики
- Мини-погрузчики
- Экскаваторы-погрузчики
- Вилочные погрузчики




ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

**ООО «GST OIL» —** официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 29R/320

## СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

22R/566

## САНОАТ КОРХОНАСИ

**бош энергетикнинг биринчи ўринбосари**

**лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.**

**НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

- соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш
- хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

*Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ўсиш имкониятлари мавжуд.*

**Шунингдек,**

**юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар**

**ишга қабул қилинади.**

*Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*

**МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.**

30R/1346

FIAT INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION




E 215

NEW HOLLAND AGRICULTURE



TL 100

100 л.с.

*Итальянча сифат*

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.**

45R/356

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси Полифеноллар лабораторияси етакчи илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор

**Аминжон Исмоилович ИСМОИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5